

UO'K: 631.8:633.854

## КУНГАБОҚАР ЎСИМЛИГИДА ҲОСИЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА УРУҒ ЭКИШ ТИЗИМЛАРИ ҲАМДА МАЪДАНЛИ ВА ОРГАНИК ЎҒИТЛАР ҚўЛЛАШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

**Курамадова Шахло Азизжон қизи**

*Фарғона давлат университетини*

*xash.8496.@gmail.com*

*ORCID ID /0009-0005-2631-7334*

**Аннотация:** Ушбу мақолада, Кунгабоқар уруғларининг униб чиқиши ҳамда кўчат қалинлигига экиш схемаси, органик ва биогурус ўғитларини таъсир ёритиб берилган. Уруғларнинг униб чиқиши органик ўғит қўлланилганда энг юқори кўрсаткич гектарига 20 тонна қўлланилганлиги кузатилиб, 70x20-1 схемада экилганда, 1-вариантга нисбатан 3,75 минг донага (70,55 минг дона), 70x25-1 схемада экилганда, 2-вариантга нисбатан 3,15 минг донага (56,30 минг дона), 70x30-1 схемада экилганда 3- вариантга нисбатан 4,0 минг донага (46,30 минг дона) юқори бўлган.

**Калит сўзлар:** кунгабоқар, ўсув даври, органик ўғит, биогурус, минерал ўғит.

**Кириш.** Кунгабоқар экинида ҳосил элементларининг шаклланиши кўп жиҳатдан уруғ экиш тизими ва ўғитлаш тизимига боғлиқ ҳисобланади. Энг мақбул экиш схемаси ўсимликларнинг озикланиш майдонини оптимал ҳолда таъминлаб, поя баландлиги, барг сатҳи ва саватчаниннг ўлчамларига ижобий таъсир кўрсатади. Маъданли ўғитлар меъёрини тўғри белгилаш (айниқса азот, фосфор ва калий миқдори) кунгабоқарнинг биомасса тўпланиши ва уруғланиш жараёнини фаоллаштиради. Органик ўғитлар тупроқнинг физик-кимёвий хусусиятларини яхшилаб, намлик сақланишини оширади ва илдиз тизими фаолиятини кучайтиради. Маъданли ва органик ўғитларни биргаликда қўллаш кунгабоқарнинг фотосинтетик маҳсулдорлигини ошириб, 1000 дона уруғ вазни ва умумий уруғ ҳосилдорлигининг ортишига олиб келади.

Олинган натижаларнинг кўрсатишича (1-жадвал), ҳосил элементларининг шаклланиши бўйича юқори натижалар уруғлар 70x30-1 тизимда экилиб, ўсув дариди маъданли ўғитларнинг N180P125K180 кг/га меъёрларига кўшимча равишда 15 тонна биогурус қўлланилган 18-вариантда кузатилиб, саватчаниннг диаметри 26,5 см, битта саватчаниннг умумий оғирлиги 171,6 г, бўш саватчаниннг оғирлиги 68,6 г, битта саватчадаги уруғлар вазни 93,0 г, битта саватчадаги уруғлар сони 1007,0 дона, 1000 дона уруғ вазни 72,3 г, битта саватчада шаклланмай қолган уруғлар 2,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, уруғлар 70x20-1; 70x25-1; 70x30-1 тизимда экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг N150P105K150 кг/га меъёрлари билан озиклантирилган 1-2-3 вариантларга нисбатан саватчаниннг диаметри 6,1-6,2-7,1 см гача, битта саватчаниннг умумий оғирлиги 61,9-67,0-76,8 г гача, бўш саватчаниннг оғирлиги 24,7-26,8-30,7 г гача, битта саватчадаги уруғлар вазни 37,2-40,2-46,1 г гача, битта саватчадаги уруғлар сони 386,0-417,0-484,0

донагача, 1000 дона уруғ вази 9,4-10,4-12,3 г гача юкори бўлиб, битта саватчада шаклланмай қолган уруғлар 7,6-8,4-9,5 фоизга кам бўлгани аниқланди.

Уруғлар 70x20-1; 70x25-1; 70x30-1 тизимда экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг N150P105K150 кг/га меъёрларига қўшимча равишда гектарига 10-15-20 тонна гўнг қўлланилган 4-5-6 вариантларга нисбатан саватчанинг диаметри 5,4-4,3-3,6 см гача, битта саватчанинг умумий оғирлиги 56,7-43,7-39,5 г гача, бўш саватчанинг оғирлиги 22,7-17,4-15,8 г гача, битта саватчадаги уруғлар вази 34,0-26,3-23,7 г гача, битта саватчадаги уруғлар сони 354,0-275,0-234,0 донагача, 1000 дона уруғ вази 8,3-6,3-6,0 г гача юкори бўлиб, битта саватчада шаклланмай қолган уруғлар 6,3-5,0-4,7 фоизга кам бўлгани кузатилди.

### 1-жадвал

Кунгабоқар ўсимлигида ҳосил элементларининг шаклланишига уруғ экиш тизимлари, маъданли ҳамда органик ўғитлар қўллаш меъёрларининг таъсири

№	Уруғ экиш тизимлари	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёрлари, кг/га	Органик ўғит қўллаш меъёрлари, т/га	Биогумус қўллаш меъёрлари, т/га	Саватчанинг диаметри, см.	Битта саватчанинг умумий оғирлиги, г.	Бўш саватчанинг оғирлиги, г.	Битта саватчадаги уруғлар вази, г.	Битта саватчадаги уруғлар сони, дона.	1000 дона уруғ вази, г.	Битта саватчадаги шаклланмай қолган уруғлар, %.
1	70x20-1	N <sub>150</sub> P <sub>105</sub> K <sub>150</sub>	-	-	20,4	109,7	43,9	55,8	621,0	62,9	10,4
2	70x25-1		-	-	20,3	104,6	41,8	52,8	590,0	61,9	11,2
3	70x30-1		-	-	19,4	94,8	37,9	46,9	523,0	60,0	12,3
4	70x20-1		10	-	21,1	114,9	45,9	59,0	653,0	64,0	9,1
5	70x25-1		15	-	22,2	127,9	51,2	66,7	732,0	66,0	7,8
6	70x30-1		20	-	22,9	132,1	52,8	69,3	773,0	66,3	7,5
7	70x20-1		-	5	21,6	119,5	47,8	61,7	693,0	64,1	8,7
8	70x25-1		-	10	22,2	129,6	51,8	67,8	751,0	66,1	7,8
9	70x30-1		-	15	23,2	138,4	55,4	73,0	794,0	67,8	6,9
10	70x20-1	N <sub>180</sub> P <sub>125</sub> K <sub>180</sub>	-	-	22,6	131,8	52,7	69,1	771,0	66,3	7,6
11	70x25-1		-	-	21,9	122,3	48,9	63,4	714,0	64,4	8,3
12	70x30-1		-	-	20,7	111,9	44,8	57,1	633,0	63,4	9,4
13	70x20-1		10	-	23,3	139,8	55,9	73,9	812,0	67,9	6,8
14	70x25-1		15	-	24,5	151,8	60,7	81,1	889,0	69,5	5,7
15	70x30-1		20	-	25,2	162,3	64,9	87,4	950,0	71,1	3,9
16	70x20-1		-	5	23,7	147,9	59,2	78,7	850,0	69,2	6,1
17	70x25-1		-	10	24,8	158,4	63,4	85,0	911,0	70,7	4,8
18	70x30-1		-	15	26,5	171,6	68,6	93,0	1007,0	72,3	2,8
19	70x20-1	N <sub>210</sub> P <sub>145</sub> K <sub>210</sub>	-	-	23,2	139,6	55,8	73,8	810,0	67,9	6,9
20	70x25-1		-	-	22,4	129,8	51,9	67,9	754,0	66,2	7,7
21	70x30-1		-	-	21,7	119,8	47,9	61,9	694,0	64,3	8,5
22	70x20-1		10	-	23,5	142,3	56,9	75,4	833,0	68,1	6,7
23	70x25-1		15	-	23,9	149,7	59,9	79,8	870,0	69,4	5,8
24	70x30-1		20	-	25,2	159,3	63,7	85,6	928,0	70,8	4,8
25	70x20-1		-	5	23,9	148,2	59,3	78,9	853,0	69,3	5,9
26	70x25-1		-	10	24,6	152,1	60,8	81,3	891,0	69,7	4,9
27	70x30-1		-	15	25,9	167,8	67,1	90,7	969,0	71,9	3,9

Натижаларга кўра, кунгабоқар ўсимлигида ҳосил элементларининг шаклланишига маъданли ва органик ўғитларни бирга қўллашнинг таъсири ижобий бўлганлиги кузатилган бўлсада, аммо маъданли ўғитлар меъёрларини N210P145K210 кг/га гача ошириб бориш ҳосил элементларига нисбатан вегетатив қисмларининг ривожланишига кўпроқ таъсир кўрсатгани кузатилди. Маъданли ўғитларни N150P105K150 кг/га меъёрда қўллаш эса вегетатив қисмга нисбатан ҳосил элементларига таъсири сезиларли бўлган бўлсада, аммо кунгабоқар ўсимлигини озиқага бўлган талабини тўла қондира олмаслиги

сабабли маъданли ўғитларнинг N180P125K180 кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан паст натижа кўрсатгани қайд этилди.

#### Фойдаланилаган адабиётлар:

1. Тоғаева Сарвиноз Суюновнанинг “Экиш муддати ва озикланиш майдонининг мойли кунгабоқар навлари ҳосилдорлигига таъсири” мавзусидаги Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши Тошкент-2020.

2. Нурматов Ш.Н., Азизов Т.Б., Анарбоев И.У., Тўхтаев С. Кунгабоқардан мўл ҳосил етиштиришнинг такомиллашган агротехнологияси //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий – ишлаб чиқариш маркази, Ўзбекистон мойли ва толали экинлар тажриба станцияси. Тошкент-2009. 8-9.Б.

3. Азизов Т., Анарбаев И., Балкибекова Р., Файзиев О. Мойли ўсимликлардан кунгабоқар, ерёнғоқ, кунжутнинг ривожланишига минерал ва биоўғитларнинг таъсири //Ж.Агро Илм. 2013.№ 3(27).Б.27-28

4. Юлдашева З.К., Бекмирзаев Ф.Х. “Мойли кунгабоқар навларининг ривожланиш даврларига экиш муддатларининг таъсири”. Ўзбекистон республикасида бошоқли, дуккакли дон экинлари янги навларининг истиқболлари, четдан келтирилган янги навлар интродукцияси ва замонавий ресурстежамкор етиштириш агротехнологиялари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. Андижон, 2019. Б. 489-494